O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 26 OKTABR PAYSHANBA № 125 (26.675)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрь куни Оқсаройда Жаҳон банки вице-президенти Йоҳаннес Линни қабул қилди.

Мазкур халқаро молиявий муассаса Ўзбекистон билан кўпгина соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда у билан биргаликда умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларигача бўлган тўққизта лойиҳа амалга оширилянти. Яна қарийб 300 миллион долларлик олтита лойиҳа тайёрланмоқда. Жаҳон банки билан айниқса банк-молия тизимини ислоҳ этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ва шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш борасида фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Банк делегацияси бу галги ташриф чоғида Хоразм вилоятида бўлиб, «Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва саломатлик» лойиҳаси объектларини бориб кўрди, вилоятдаги ирригация тизими билан танишди. Яхши маълумки, бу йил нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ёғин-сочин нисбатан кам бўлганлиги боис, жойларда сув танқислиги сезилди. Жаҳон банки вакиллари табиатнинг бундай инжиқликлари келтириши мумкин бўлган зарарни камайтириш мақсадида, Ўзбекистон ҳукуматига ирригация тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни таклиф этиш ниятида.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш, хусусан, яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси, янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрь куни Оқсаройда Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ярослав Людвадан Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.**

**Ўзбекистон — Чехия алоқаларининг бошланиши узоқ йилларга бориб тақалади. Бизга чехларнинг тарихи, маданияти яхши таниш. Президентимиз шу гапларни таъкидлар экан, Я.Людвани шарафли ва масъулиятли вазифага тайинлангани билан табриклади, ишларига муваффақият тилади.**

**Чехия элчиси Президентимизга қабул учун миннатдорлик билдирар экан, икки давлат ўртасида иқтисодий, сиёсий муносабатлар ривожи учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, айни вақтда мамлакатимизда ўнлаб Ўзбекистон — Чехия қўшма корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатаётганини таъкидлади.**

**Дарҳақиқат, ўзаро ҳамкорлик кўлами кенг. Дейлик, Чехиянинг трамвай ва троллейбуслари ўзбекистонликларга яхши таниш. Ҳозирги кунда бундай ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши имкониятлар мавжуд. Учрашувда ана шу масала томонларнинг диққат марказида бўлди.**

***

**Шу куни Президент Ислом Каримовга Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мартин Хекер ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.**

**Ислом Каримов элчини янги лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистон ҳукумати ГФР билан ўзаро манфаатли асосда алоқаларни янада ривожлантириш масаласига муҳим аҳамият беришини билдирди.**

**М. Хекер Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини таъкидлар экан, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-ғайратини аямаслигини айтди.**

**Президентимиз элчига янги вазифада муваффақият тилади.**

**Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон — Германия муносабатларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

■ (ЎзА)

## «МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР»




«Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир».

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола Президентимиз Ислом Каримовнинг бугунги ҳаётимиз, келажак тараққиётимиз учун ғоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган ана шу сўзлари билан бошланади.

Рисола Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларида билдирилган миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг устувор тушунча ва тамойиллари ҳақидаги фикрлари асосида тайёрланган. Беш қисмдан иборат бўлган бу рисолада миллий ғоя ва мафкура тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тарихига таъсири, глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги шароитда мафкуравий сиёсатнинг ўрни, Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси, унинг асосий тамойилларини халқимиз, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш каби масалалар мухтасар тарзда баён этилган.

Китобда халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, тили ва динидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади экани таъкидланади.

Рисола мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, олим ва мутахассислар, шунингдек, бошқа таълим-тарбия, маданий-маърифий муассасалар ходимларига маъруза ва суҳбат матнлари, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, дастурлар тузиш учун асосий манба сифатида тавсия этилади.

Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ушбу рисолада миллий истиқлол ғоясининг барча илмий-назарий муаммоларини батафсил ёритиш мақсади қўйилмаган. Бинобарин, мазкур масалаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг маъно-мазмунини кенг очиб бериш, бу борада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, махсус дарслик ва қўлланмалар яратиш — ижтимоий фан соҳаси мутахассисларининг вазифасидир.

■ (ЎзА)

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни мазкур комиссия раиси Нажмиддин Комилов бошқарди.

Мажлисда бўшаб қолган ўринларга шу йил 22 октябрь куни ўтказилган Олий Мажлис депутатлари сайловининг якунлари кўриб чиқилди. Овоз беришда 128-Гулистон сайлов округида сайловчиларнинг 97,1 фоизи, 141-Жарқўрғон сайлов округида 94,7 фоизи, 160-Паркент сайлов округида 89,2 фоизи, 171-Чиноз сайлов округида 89,0 фоизи, 174-Бешариқ сайлов округида 99,2 фоизи, 189-Сўх сайлов округида 96,7 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси мазкур округ сайлов комиссияларининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-ва 46-моддаларига мувофиқ, 128-Гулистон сайлов округидан халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидан номзоди кўрсатилган Гулноз Латиповани, 141-Жарқўрғон сайлов округидан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидан номзоди кўрсатилган Бахтиёр Олимжоновни, 160-Паркент сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Беҳзод Йўлдошевни, 171-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Маҳамаджон Юсупов (Муҳаммад Юсуф)ни, 174-Бешариқ сайлов округидан халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидан номзоди кўрсатилган Алишер Отабоевни ва 189-Сўх сайлов округидан Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Джамшед Сайфиддиновни Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

■ (ЎзА)

## АҚШДА РАСМЛАР КЎРГАЗМАСИ

*Вашингтонда ёш ўзбек рассоми Алишер Алиқулов ижодига мансуб асарлар кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган.*

*А.Алиқулов республикамиз шаклланиши ва мустақиллиги йилларида ўз ижодий маҳоратини юксак даражага кўтара олган янги рассомлар авлоди вакили ҳисобланади. Унинг ишлари МДҲ мамлакатларида ҳам, хорижий давлатларда ҳам бир неча бор намойиш этилган.*

*Мамлакатимиз элчихонасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон дўстлари жамияти» фаолларининг навбатдаги учрашувида А. Алиқулов ишлари кўргазмаси тақдим этилди. Учрашувда ушбу кўргазма америкалик томошабинларга Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси ҳақида қўшимча ахборотлар бераётганлиги таъкидланди.*

■ «Жаҳон» АА

## ИНСОНПАРВАРЛИК

Бу йилги табиатнинг инжиқлиги, сувнинг ҳаддан ташқари кам бўлганлиги деҳқончиликка ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Шундай қийинчилик пайтида бир-бировларига кўмаклашиш, ёрдамлашиш азалий анъанадир. Тошкент вилояти деҳқонлари қорақалпоқ халқига жўнатган қиймати 18 миллион сўмдан кўпроқ 4 вагон мева-чева, сабзавот, картошка, озиқ-овқатлар куни кеча Қорақалпоғистонга етиб келди.

Ушбу ноз-неъматларни топшириш Хўжайли шаҳридаги Ҳамза номидаги республика болалар уйидан бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б. Бектўрдиев иштирок этиб, Тошкент вилояти меҳнат аҳлига миннатдорчилик билдирди.

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ОЧИҚ ГАПЛАР

## МУНОСАБАТ

### ЁКИ ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИР ЖАВОБ ХАТИГА ҚАРШИ МУНОСАБАТ

Қулоғингни кўрсат деса, тилини кўрсатди, деган иборани халқимиз кўпроқ болаларга нисбатан ишлатади. Олий судга газетада чоп этилган мақола юзасидан хат юборган эдик, жавоб хати ибора мазмунидагидек бўлибди.

Газетанинг шу йил 4 июль сонидаги «Ижросиз қарор бўҳтондан ёмон» сарлавҳали мақолада Денов нефть маҳсулотлари корхонасининг собиқ раҳбари Ж. Қосимовнинг даъволари нотўғри кўриб чиқилаётганлиги ҳамда унинг теварагида олиб борилаётган суд амалиётлари хусусида танқидий фикр билдирилган эди. Мақола муаллифи Ж. Қосимовнинг даъвосини кўриб чиққан Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 25 декабрь 1998 йилдаги ҳал қилув қарори бесабаб 38 кун ижросиз қолдирилганлигини таъкидлаб, судья Э. Х. Раҳматуллаева раислигида чиқарилган 1999 йил 19 апрелдаги суд қарорини ҳуқуқшунос сифатида танқид қилганди.

Энди ушбу мавзуга яна бир бор қайтишимизга сабаб бўлган жавоб хатини ўқиймиз:

*«Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 4 июлдаги сонида чоп этилган «Ижросиз қарор бўҳтондан ёмон» сарлавҳали мақола Олий судда ўрганиб чиқилди.*

*Даъвогар Ж. Қосимовнинг жавобгар «Ўзнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича чиқарилган Миробод туман судининг 2000 йил 1 майдаги ҳал қилув қарори ҳамда шу қарорни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 15 июндаги ажримининг қонунийлиги юзасидан Сизга Олий суднинг 2000 йил 18 апрелдаги хатида батафсил маълумот берилган.*

*Низо бўйича чиқарилган суд қарорлари юзасидан протест келтириш учун Олий суд раҳбарияти асослар топмагани яна бир бор маълум қилинади.*

***Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.С.Жузбанов»***

Жавоб хатини ўқиб, тўғриси, тушунмадик. Мақолада **1999 йил 19 апрел**даги қарор ҳақида фикр юритилган эди. Жавоб хатида эса **2000 йил 1 май ва 15 июн**даги қандайдир қарор ва ажрим ҳақида гап боради. Қолаверса, 2000 йил 1 майдаги қарор ва 15 июндаги ажримнинг қонунийлиги юзасидан 2000 йил 18 апрелда, яъни қарор ва ажримдан 1-2 ой олдин... жавоб хатимиз орқали батафсил маълумот берганмиз дейилади...

Қарор ва ажримнинг тўғрилигини олдиндан «ҳис қилиш» мумкинлигини тушунамиз. Лекин мақолада тилга олинган суд қарорлари қолиб, бошқа қарор ва ажримлар тўғрисида маълумот берилаётганлигига тушунмай турган эдик, Ж. Қосимовдан келган ариза бунга бироз ойдинлик киритгандай бўлди:

*«Рўзноманинг 2000 йил 1 апрелда мен ҳақимдаги «Қил кўприк» сарлавҳали мақолага ЎзР Олий суди раис ўринбосари Х. М. Усмонов 28.04.2000 йилда таҳририятга ва менга хат билан ўз муносабатини билдирган эди.*

*Шундан сўнг рўзноманинг 2000 йил 4 июль сонида чоп этилган «Ижросиз қарор бўҳтондан ёмон» сарлавҳали мақолада адвокат Б. Усмонов айнан ЎзР Олий судининг 28.04.2000 йилдаги жавоб-фикри қонунга тўғри келмаслигини танқид қилди.*

*ЎзР Олий суди ушбу мақола юзасидан ўзининг 15.09.2000 йилдаги хатида мақола муҳокама қилинди, деб кўрсатса-да, пастрағида қарорларнинг қонунийлиги ҳақида Олий суднинг 18.04.2000 йилдаги хатида батафсил маълумот берилган деб кўрсатган. Ҳатто, Жузбанов мазкур Олий суднинг жавоб хати санасини **18.04.2000 йил** деб нотўғри кўрсатган, аслида жавоб хатининг санаси **28.04.2000 йил**».*

Бизнингча, пала-партиш жавоб хатининг ўзи ҳам МУНОСАБАТ! Лекин қай даражадаги муносабат... Бу бошқа мақола учун мавзу.

■ ҲУҚУҚ БЎЛИМИ

## МАРРА

Вобкент — Бухоро вилоятининг пахта етиштирувчи йирик туманларидан бири. Мана уч йилдирки, вобкентликлар давлатга пахта сотиш бўйича белгиланган шартномавий режани вилоятда биринчи бўлиб бажариб келмоқдалар. 11700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиниб, қабул масканларига 37410 тонна юқори навли пахта топширилди.

— Жорий йилда биргина пахтачиликдан 2 миллиард 100 миллион сўм даромад қилдик, — дейди туман ҳокими Муҳиддин Эсонов. — Бундан кўпроқ деҳқон манфаатдор. Шу боис пахтакорларимиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан даладаги ҳосилнинг охирги мисқолигача териб оладилар. Ялпи хирмон салмоғини 42,5 минг тоннага етказамиз.

■ Даврон БАҲРОНОВ

***

Пскент тумани деҳқонлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарди. Қабул пунктларига 26128 тонна «оқ олтин» ҳадя этилди. 613 та деҳқон-фермерлар, Дўстбеков, Охунбобоев, И. Ҳайдаров номли, «Туркистон», «Намуна» ширкат хўжаликлари бу улкан режани бажарилишида баракали ҳисса қўшдилар.

Ушбу хўжаликларнинг аъзамат деҳқонлари ўз режаларини 115-120 фоизга етказишиб, олдинда боришмоқда. Туманда яна қўшимча 2000 тонна пахта тайёрланади.

— Бу йил пахтачиликдан салкам 1,5 миллиард сўм даромад қилинади, — дейди туман ҳокими Абдували Ғафуров. — Бу албатта териб олинган пахтанинг асосий қисми юқори навларга қабул қилингани натижасидир. Шубҳасиз, даромаддан тушган соф фойда туманимиз халқининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади. Ишлаган роҳатини кўрадиган пайт келди-да.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ

■ Икром ИСМОИЛОВ коллажи

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

| | |
|---|---|
| «Ўзбекистон овози» | — 220 |
| «Голос Узбекистана» | — 121 |
| «Осиё бозори» | — 174 |

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

# «ДАЛА АКАДЕМИЯСИ»НИНГ «ТАЛАБАСИ»

Деҳқончилик — катта илм. Юрсинбой ака гарчи ўқув юртларида таълим олмаган эса-да, «дала академияси»нинг таълимини олган. У эса сокин аудиторияларда олинган билимлардан ҳам пухтароқ, ишончлироқдир...

Олтмишинчи йиллар ўрталарида водийнинг бўз ямоғи — Марказий Фарғонани ўзлаштириш кучайган эди. Тожибасар исмлик қизга уйланган Юрсинбой Қизилтепага отланди. Ёш эр-хотин чўлда капа қуриб, икки йил ер ўзлаштиришнинг барча синовларидан ўтишди. Ҳозир бу ерлар мавж уриб ётган боғларга, оппоқ пахтазору олтиндай ғаллазорларга айланган. Уларнинг ҳар бирида ёш Юрсинбойнинг пешона тери мужассам.

Анча эти пишиб, деҳқончиликнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган Юрсинбой Жўраевни 1970 йили 83 гектар ери бор бригадага бошлиқ этиб тайинлашди. Юрсинбой ака ёмон ишламади. Тош-шағалли ерларда ҳар гектар ердан 30-32 центнердан ҳосил олиб бераверди. Ўша йиллардаги пахта сиёсатини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Ўзбекнинг машаққатли меҳнати, экологиянинг шафқатсизларча вайрон қилиниши, болалар ва аёллар орттирган касалликлар эвазига етиштирилган қимматбаҳо хомашё вагонларда шимолга ташиб кетиларди. Юрсинбой ака 83 гектар ердан йилига ўртача 30-32 центнердан ҳосил олган тақдирда ҳам йигирма йиллик бригадирлик фаолияти даврида 6-7 минг тонна «оқ олтин» етказиб берган бўлади. Бу жуда катта бойлик. Бироқ, Юрсинбой ака ўша оддий хом ғиштдан қурилган уйи ва олти фарзанддан ўзга даромад орттиролгани йўқ. На машина олди, на ўғил-қизларини олий ўқув юртларида ўқитди. У даладан бўлак ҳеч нарса кўрмади. Фақат меҳнатни билди.

Юртимизда Истиқлол қуёши балқиди. Миллионлаб заҳматкашлар қатори ўзбек деҳқонининг ҳам кўксига офтоб тегди. Ишлагани ўзига қоладиган бўлди. Қишлоқ хўжалигида улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар даври бошланди. Деҳқонда ерга эгалик ҳисси уйғонди. Илгари юқоридан берилган режани бажаришгина ўзбек деҳқонининг бош вазифаси, деб келган одамлар энди ердан унумлироқ фойдаланиш, даромад, фойда ҳақида ўйлай бошладилар. Энди Юрсинбой Жўраев Бозорбой Отақулов номли ширкат хўжалигининг бош пудратчисига айланди. Бош пудратчи ўнлаб сафдошлари билан ўзларига қарашли ерларда пахта, ғалла етиштиради. Шартнома режалари ўз вақтида бажарилиб, даромад ҳам мўл бўлаяпти. Ўтган йили улар 51 гектар ерга чигит қадаб, ҳар гектар ердан салкам 60 центнердан пахта олишди. Ғаллачиликда ҳам натижалар ана шундай юксак. Масалан, бу йил 30 гектар ерга буғдой экиб, ҳар гектар ердан 60 центнердан ғалла олишди.

Вилоят ҳокими А. Отабоев шу йил ёзда туш пайти далаларни кўздан кечириб кетаётган эди. Кун иссиқ. Офтоб қизиғида бир одам пайкал четларига олтингугурт сепиб юрибди. Ҳоким тушиб ҳол-аҳвол сўраса, бу одам бош пудратчи Ю.Жўраевнинг ўзи экан.

— Олтингугурт айни кун қизиганда сепилса зараркунандага қирон келтиради, — деди бош пудратчи қўлларини қоқиб. Ҳоким иккинчи бор келганда эса бош пудратчи ғўзаларга сув тараб юрган экан.

«Мақтаниш бўлса ҳам айтиб қўяй: ўзбек деҳқонига етадигани кам»,—деган эдилар Юртбошимиз. Ҳақ гап. Бизнинг деҳқон катта-кичикман деб ўтирмайди. Керак бўлса, шартнома моддалари устида талашиб-тортишади, керак бўлса, терлаб-пишиб кетмон ҳам чопаверади. Истиқлол даври ўзининг ана шундай янги типдаги деҳқонларини етиштириб чиқарди. Деҳқончиликнинг миридан сиригача билган камтар, меҳнаткаш деҳқон энди шартномалар устида бош қотиради. У энди жиндек савдогар, жиндек молиячи, дебет-кредит нималигини яхши билади...

Олтиариқ — миришкор деҳқонлар, ишбилармон, тадбиркорлар юрти. Бугун унинг деҳқон вакилларидан бири Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Юрсинбой Жўраев Ватанимизнинг энг олий нишонига чиндан ҳам муносиб инсон.

«Ишлаганни, ким қаҳрамонликка лойиқ эканлигини давлат, Юртбошимиз яхши билади», — дейишмоқда олтиариқликлар. Бу эса яна минглаб деҳқонларимизни қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, уни тўлиқ замонавий асосларда ишлатишга ўтишда руҳлантириши шубҳасиз.

**СЎНГ СЎЗ. Қаҳрамонимиз бу йил ҳам сўзи устидан чиқди. Олтиариқ туманининг Бозорбой Отақулов номли ширкат хўжалигидаги Юрсинбой Жўраев бошлиқ 6-ижарачилар жамоаси 1 сентябрь — Истиқлол байрами куни 38 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта ҳосили олиб, йиллик шартнома режасини бажарди. Далада ҳали ҳосил бор. Улар 50 центнерни мўлжаллаб туришибди.**

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*Инсон учун биринчи бахт унинг соғлиғи. Шундай экан, бизнинг бахтимизни ўйлаб кеча-кундуз меҳнат қилаётган шифокорларимиз шаънига икки оғиз илиқ сўз айтмоқчимиз.*

*Пойтахтдаги I республика шифохонаси асаб касалликлари бўлимида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимлари энг аввало ширин сўз билан бемор руҳиятини даволайдилар. Меҳр қуёшининг тафти асабнинг энг нозик нуқталарига таъсир этади. Шундан сўнг уларга дори-дармонлар берила бошлайди. Қўлингиз дард кўрмасин.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

# КУЗГИ ДОН ЭКИЛМОҚДА

*Жарқўрғон туманидаги Тўхта Шобуров номли ширкат хўжалигида мавжуд 1729 гектар суғориладиган ернинг 740 гектарига буғдой экилади. Бу йил ҳам хўжалик деҳқонлари буғдойдан 2000 тонна ҳосил олиб, давлатга йиллик дон топшириш режасини бажардилар.*

*Айни кунларда хўжалик далаларида кузги буғдой экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Улар ҳар гектар ерга 250 килограммдан буғдойни минерал ўғитларга аралаштирган ҳолда экмоқдалар. Ҳозиргача 350 гектар ерга буғдой уруғи қадалди.*

Суратда: 1. Бригадир Норқул Шерматов ва ижарачи Абдурасул Саманов буғдой экиш ҳақида суҳбатлашмоқда.

2. Кузги буғдой экиш пайти.

■ **Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

# ФАОЛЛИК ДАДИЛЛИКДАДИР

**— Сиз халқнинг ишончига жавобан депутат сифатида нималарга эътибор берясиз?**

— Бугунги ўзбек халқини шўро замонидаги одамлар билан тенглаштириб бўлмайди. Бугун халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади. Шундай экан, ўз навбатида бугунги халқ вакили, яъни депутат аввало халқнинг қалбини, унинг ички кечинмаларини англай олиши, унинг билан ҳамнафас бўлиш қобилиятига эга бўлиши керак. Мен аввало масаланинг мана шу томонига, уларнинг дардини тинглаб дармон бўлишга ҳаракат қиляпман. Умуман, депутатнинг вазифаси халқ номидан қонунларни ишлаб чиқиш ва унинг муҳокамасида қатнашиш ҳамда наказларни бажаришдан иборат.

**— ХДПнинг фаоллигини ошириш ва шу билан бирга унинг обрўси янада ортиши учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Бевосита бошланғич ҳудудий ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, партиянинг дастурини мукаммал ўзлаштирган ва шу билан бирга ўз Ватанига, элига садоқатли бўлган ёшлар билан ХДП сафини тўлдириб бориш, партия фаолларига жиддийроқ талаблар қўйиш, бир сўз билан айтганда, масъулиятсизликка йўл қўймаслик лозим.

**— Ёшлар тарбияси ва мафкура масаласида ХДПнинг иштироки ҳақида нималар дея оласиз?**

— Ёшлар тарбияси доимо ҳукуматимиз диққатида. Чунки мамлакат келажаги ёшлар ҳисобланади. Шундай экан, ХДП ҳам бу масалада жонбозлик кўрсатиши, айниқса, ўқув муассасалари билан яқиндан алоқада бўлиши мақсадга мувофиқ. Жойларда Ватанга меҳр-муҳаббат руҳидаги турли хил учрашувлар, тадбирлар уюштириш кўзда тутилиши жоиз деб ҳисоблайман. Ва шундай қилиняпти ҳам.

Ахир ёшлар қанча ватанпарвар бўлса, Ватанимиз келажаги шунча ишончли ва буюк бўлади.

**— Абдурашид Жаҳонгирович, сиз ишлаб чиқариш ходими ва айни пайтда раҳбарсиз. Раҳбарнинг, депутатнинг фаоллиги нимада акс этади?**

— Замон талабини теран англаган ҳар бир раҳбар, албатта, ишлаб чиқаришга эътибор билан қарамоғи шарт. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бир пайтда бир неча қулайликларга эришилади. Масалан, ишчи ўринларини яратиш, корхона иқтисодининг яхшиланиши ва ҳоказо. Ишчан раҳбарни доим халқ қўллаб-қувватлайди. Ана шунда унинг фаоллиги акс этади.

Депутатнинг фаоллиги эса халқ номидан очиқ-ойдин гапира олишида, ўз фикрини дадил айта олишида, халқнинг дилидагини қонунларда акс эттира билишида кўринади.

**— Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларга муносабатингиз?**

— Ислоҳотлар жойларда ўз самарасини бермоқда. Ислоҳотларга нафақат мен, балки ҳар бир киши ижобий баҳо беради. Бойлик манбаи бўлган ерга деҳқоннинг ҳақиқий хўжайинлиги берилди. Шунинг ўзи ҳам қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидан далолатдир.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ суҳбатлашди**

**Олий Мажлис депутати Абдурашид Синдоров билан суҳбат**

ФАРМОНДАН СЎНГ

# КАРМАНА КЎРКАМ ЯНА

Қадим Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари каби Кармананинг ҳам ёши улуғ. Ўтмишда бу кўркам шаҳар Буюк ипак йўлининг қоқ белида жойлашган бўлиб, унда тарих силсиласидан дарак берувчи турфа обидалар, ёдгорликлар ниҳоятда кўп бўлган. Қосим Шайх мачити, Мирсаид Баҳром мақбараси, Жўра Хисрав хонақоси, Мирзачорбоғ хиёбони, Сардоба, Маликработ ва Тошҳовуз қўрғонлари ана шулар жумласидандир. Шунга ўхшаш тарихий ёдгорликлар, ўтмиш обидаларидан келиб чиқиб ҳисоблайдиган бўлсак, Кармананинг ёши Бухоро ва Самарқанд каби ўта улуғ ва асрдош шаҳарлар билан теппа-тенг. Бироқ ана шу қадим ва кўҳна шаҳар замонлар келиб Қизил империя, яъни турғунлик йиллари қурбонига айланди. Ундаги обидалар, турли хил кўринишдаги ёдгорликлар қадрият ва урф-одатларимиз каби нураб, емирилиб борди...

Мустақиллик шарофати, истиқлол уфқигина «оқсоқол» шаҳарлар каби Карманани ҳам нурашдан сақлаб қолди. Юртбошимиз навқирон Навоийда, жумладан, Карманада бўлганида унинг ёши, қадимдаги ташкилий-таркибий даврлари билан қизиқди. Навоий шаҳри таркибида Кармана туманининг ташкил топиши ва шу хусусда алоҳида фармон қабул қилиниши ўтмиш ва ўтмишдошларга, тарихий шаҳарларга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромдан далолатдир. Ана шу фармоннинг қабул қилинганига ҳам бир ярим йилдан ошди. Бироқ обидалари айтарли барбод бўлган Кармана ана шу қисқа давр ичида яна қайта кўз очди ва сайқал топди. Истиқлол шабадаси, ҳуррият шамоли нур ва кўр олиб келди. Ободончилик, бунёдкорлик, яратувчилик ишлари жадаллашиб кетди.

— Кармана ва карманаликлар учун республика ҳукумати бюджетдан катта маблағ ажратди, — дейди Кармана тумани ҳокими Фазлиддин Муҳиддинов. — Ана шу кўмак туфайли «М-37» халқаро аҳамиятга молик марказий йўлнинг Карманани кесувчи 7 километрлик масофасида 450 млн. сўмлик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шаҳар марказидаги вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти, Кармана коллежи, ўқитувчилар малакасини ошириш институти, туман солиқ инспекцияси, алоқа бўлими, ижтимоий таъминот корхонаси, вилоят шоҳбекати шарқ меъморчилиги услубида безатилди.

Дарвоқе, бугунги Кармана кечагидан бутунлай фарқ қилади. Бунёдкорлик ишлари, қурилиш-монтаж ва пайвандлаш тадбирлари туну кун амалга ошириляпти. Шоҳбекатни кесувчи ерости йўли дейсизми, пиёдалар юриш йўлаги дейсизми — ҳамма-ҳаммаси дид билан амалга ошириляпти. Энг муҳими эрта-индин Кармана туманини вилоят маркази билан боғловчи троллейбус йўналишига ҳам асос солинаётганидир.

Хуллас, Кармана кўркам яна. Буни Юртбошимиз диққат-эътибори, ғамхўрлиги деб тушунишмоқда карманаликлар.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



**«Косонёғэкстракция» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 300 дан зиёд хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Корхона эътибори ва хотин-қизлар қўмитаси раисаси Рисолат Хўжаеванинг саъй-ҳаракатлари билан бу ерда улар учун кўпгина шарт-шароитлар яратиб берилган. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, хотин-қизлар маслаҳатхонаси, «гўзаллик салони» доимо хизматда.**

**Шунингдек, йил давомида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдам беришга ҳам катта эътибор қаратилган.**

Суратда: ***Корхона ишчилари Роҳила Абдиназарова, Малика Тилавова, корхона хотин-қизлар қўмитаси раисаси Рисолат Хўжаева ҳамда ишчи Саодат Эшназаровалар.***

■ **Абдурасул ПАРДА олган сурат**

# СОЛИҚ ТЎЛАШ ҲАМ ФАРЗ

Халқимиз азалдан савдо-сотиқ ҳадисини олган. Тижорат маданияти тадбиркорларимизнинг қон-қонига сингган. Иқтисодиётимизнинг тараққиётига тадбиркорлар фаолияти катта таъсир кўрсатади. Зеро, бу ўринда даромад солиғи аҳамияти беқиёс. Пахтаобод туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари шу йил январь-сентябрь ойларида 64 та корхона ва ташкилотда солиқ қонунларига риоя қилиниши бўйича текширишлар ўтказди.

Ҳужжатли текширишлар натижасида 33 та корхона ва ташкилотда солиқ қонунлари қўпол тарзда бузилаётганлиги аниқланди. Натижада бюджетга жами 17833,2 минг сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ўтказилди. Шу жумладан, қўшимча ҳисобланган солиқ 7690,9 минг сўм, молиявий жарималар ва пенялар 10142,3 минг сўмни ташкил қилди. Солиқ қонунчилигининг бузилишига йўл қўйган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларидан 34 нафарига 576,4 минг сўм маъмурий жарима солинди.

«Пахтаобод машина-трактор саройи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишда эса бюджетга жами 922,6 минг сўм қўшимча тўлов туширилди. Бунинг 620,1 минг сўми қўшимча ҳисобланган солиқ, қолган 302,5 минг сўми молиявий жарима ва пеняни ташкил қилади. 4660,0 минг сўм муддати ўтган дебитор пайдо бўлишига йўл қўйганлиги учун корхона бошлиғи В.Мираҳмедов ва бош ҳисобчи Д. Қирғизбоевлардан энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 баравари ҳисобида жарима ундирилди.

«Куйганёр» шағал саралаш заводи ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган текширувда бюджетга жами 431,6 минг сўм қўшимча тўлов ундирилди. Бунинг 223,9 минг сўми қўшимча ҳисобланган солиқ бўлиб қолган 207,7 минг сўми молиявий жарима ва пенядан иборат. Айни пайтда муддати ўтган дебитор пайдо бўлишига йўл қўйилган. Шунга кўра корхона бошлиғи Н. Раҳмонов ва бош ҳисобчи А. Йўлчиевларнинг ҳар бирига 24500 сўмдан жами 49000 сўмлик маъмурий жарима солинди.

Кўриниб турибдики, ҳали бу борада қилинадиган ишларимиз кўп. Кези келганда шуни таъкидлашни истардимки, солиқ солиш ва ундириш билан бундай камчиликларни бартараф этишимиз қийин. Аввало, солиқ маданиятини ривожлантириш, тўлов тўлаш масъулиятини ҳис этиш муҳимдир. Гапнинг индаллоси, солиқ виждон ишига айлансагина юртда эзгу ишларга йўл очилаверади.

■ **Ойбек БАРАТОВ, Пахтаобод туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи**

# «ТИКО» СОҲИБАСИ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, Ўзтелерадиокомпания ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган «Ҳамшира — 2000» республика кўрик-танлови ниҳоясига етди. Мазкур танловнинг асосий мақсади — тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, фавқулодда ҳолатлардаги тиббий тайёргарлигини кўрикдан ўтказиш, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларга янада фаолроқ жалб этишдан иборат эди.

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 17-шаҳар клиник шифохонасининг асаб касалликлари бўлими ҳамшираси Наргиза Содиқова танловнинг ғолиби деб топилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Тико» автомобили билан тақдирланди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

# ҚАРИШГА ҚАРШИ

АҚШ ва Буюк Британиянинг бир гуруҳ олимлари фармацевтика воситалари ёрдамида организмнинг қариш жараёнини тўхтатиб туриш мумкинлигини исботладилар. Улар атиги 20 кун умр кўрадиган микроскопик чувалчангда бу тажрибани синаб кўришди ва чувалчанг умрини маълум муддат узайтиришга эришдилар. Улар организмда бўш қолган кислород радикалларига қарши курашувчи дори-дармонлардан фойдаланишди. Бу бўш қолган кислород радикаллари организмда «оксидланишнинг зўриқиши»ни юзага келтиради. Натижада организмда қариш жараёни бошланади. Антиоксид дори-дармонлари эса организмни бўш кислород радикалларидан тозалайди ва шунинг учун ҳам улар соғлом ДНК тўқималарини емиришга улгуролмай қолади.

Тажриба жараёнида худди шу препаратлар қўлланилди ва чувалчанглар ҳаёти 30 дан 120 фоизгача узайтирилди. Демак, инсон умрини ҳам узайтириш онлари яқин, деб фахр билан айтишга кишида ишонч уйғотади бу тажриба. Лекин шуни унутмаслик керакки, олимларнинг таъкидлашларича, инсон ўз умрини дори-дармонсиз ҳам узайтириши мумкин — калорияси кам бўлган парҳез таомларга мурожаат этиш фақат фойда келтиради. Чунки парҳез организмда кислородли радикаллар мавжудлигини камайтиради.



## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг миллатлараро ва халқаро муносабатларда қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр ХЎЖАЕВ билан суҳбат**

**— Бахтиёр ака, эшитишимча яқинда Хитойга бориб келибсизлар...**

— Ҳа, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фондининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров бошчилигида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси делегацияси расмий ташриф билан Хитойда бўлди ва ушбу Фонд томонидан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этди.

**— Кечирасиз, шу ўринда ўзбек-хитой муносабатлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— Муносабатлар ҳақида гапиришдан олдин, бу алоқаларнинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Маълумки, дунёнинг икки қутби — Европа ва Осиё мамлакатларини ўзаро боғлаб келган Буюк ипак йўлининг катта қисми давлатимиз ҳудуди орқали ўтган. Бу эса аждодларимизнинг ҳам Европа, ҳам Осиё давлатлари билан ўзаро алоқа боғлашларида муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўша пайтлари Чин давлати номи билан машҳур бўлган ҳозирги Хитой ва ўлкамиз ўртасидаги дўстлик ҳамда савдо-сотиқ алоқалари гуркираб яшнаган. Кейинчалик узоқ йиллар давомида бу алоқалар узилиб қолди. Буюк ипак йўли унутилиб кетаёзди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб мамлакатимизни халқаро субъектнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олди ва республикамиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлигини билдирди. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар эса 1992 йил 2 январдан йўлга қўйилган. Ушбу ўтган давр ичида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов уч маротаба расмий ташриф билан Хитойда бўлди. Шунингдек, ХХР раиси Цзян Цзэмин ва ХХР Давлат кенгаши бош вазири Ли Пэн жаноблари ҳам республикамизда юқори мартабали меҳмонлар сифатида кутиб олинган эдилар. Мазкур ташрифларнинг самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар қўлами янада кенгайди. Иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий йўналишларда ва коммуникация соҳасида, фан-техника, таълим, маданият ва туризм жабҳаларидаги алоқалар ижобий натижалар бермоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлатлараро ва ҳукуматлараро 37 та шартнома имзоланган. Иккала мамлакатнинг қуролли кучлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Давлатларнинг мазкур идоралари ўртасида биргаликда фаолият кўрсатиш хусусида қатор шартномалар имзоланган.

**— Энди яна мавзуимизга қайтсак. Хитойда ҳуқуқ-тартибот тизими қандай экан?**

— Хитой ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимини Олий халқ прокуратура идоралари, халқ суди ҳамда жамоат ва давлат хавфсизлиги вазирлиги ташкил этади. Улар ичида прокуратура идоралари муҳим мавқега эга.

Мамлакат Конституциясига биноан халқ прокуратураси қонунларнинг аниқ бажарилишини назорат этувчи давлат органи ҳисобланади. Ушбу давлат органи Олий халқ прокуратураси, ундан қуйи турувчи халқ прокуратуралари, ҳарбий прокуратура ва бошқа махсус халқ прокуратураларидан ташкил топган. Айни пайтда Олий халқ прокуратурасига Хон Чжубин раҳбарлик қилмоқда.

ХХР прокуратура идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари йирик қўламдаги жиноятлар билан боғлиқ ишларни тергов қилиш, инсон эркинлиги ва демократик ҳуқуқларига риоя қилинишини назорат, шунингдек, халқ судлари ва жамоат хавфсизлиги ҳамда давлат тизимидаги бошқа идоралар устидан назорат олиб боришдан иборат. Прокурорлар худди Ўзбекистондаги ҳамкасблари каби қамоққа олиш ҳақида санкция бериш, судлар томонидан қонунга номувофиқ чиқарилган ҳукм ва қарорлар устидан протест киритиш, қамоқхоналар, ахлоқ тузатиш муассасалари фаолиятини назорат қилиш ҳамда давлат назоратининг бошқа функцияларини бажариш ҳуқуқига эгадирлар.

ХХР Олий халқ прокуратураси халқаро миқёсда фаол иш олиб бормоқда ва ҳозирда кўплаб мамлакатларнинг прокуратура идоралари билан ўзаро ҳамкорлик битимлари тузган.

**— Янглишмасам, Хитой Олий халқ прокуратураси делегацияси ҳам мамлакатимизга ташриф буюрган эди...**

— Ҳа, бундан етти йил муқаддам улар делегациясининг илк ташрифи амалга оширилган эди. Ушанда хитойлик қонун ҳимоячилари республикамизнинг прокуратура идоралари иш фаолияти билан танишган, жойлардаги ахлоқ тузатиш муассасаларида бўлган эдилар. Орадан бир йил ўтиб, 1994 йилнинг июнь ойида эса Ўзбекистон прокуратураси вакилларидан иборат делегация ҳам Хитойга сафар қилган эди. Улар Хитой прокуратурасининг тузилиши ва иш фаолияти билан яқиндан танишганлар.

**— Бу галги ташриф қандай ўтди?**

— Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров бошчилигидаги мамлакатимиз вакилларининг бу галги расмий ташрифи ҳам самарали ва таассуротларга бой бўлди. Делегация таркибида Президент девонининг бош инспектори Э.Жўраев, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х. Халимов, Навоий вилоят прокурори Б. Калонов ва мен бор эдим.

11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ХХР Олий халқ прокуратураси Бош прокурори Хон Чжубин билан учрашди ва мазкур учрашув чоғида томонлар ўртасида «Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим имзоланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори хитойлик ҳамкасбларига мамлакатимиз прокуратурасининг давлат тизимида тутган ўрни, унинг вазифалари ва прокурорлик назоратининг асосий тамойиллари тўғрисида гапириб берди. Хитой томонини айниқса Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг терроризм ва халқаро миқёсдаги жиноятчиликка қарши кураш тажрибалари қизиқиш уйғотди.

Ушбу учрашувда мамлакатимиз томонидан Ўзбекистоннинг ХХРдаги элчиси И. Эргашев ҳам иштирок этди.

Расмий ташриф давомида делегациямиз аъзолари Шеньси провинцияси маркази — Сиань шаҳрида бўлдилар. Ҳамюртларимиз бу ерда провинциянинг Халқ йиғини раиси билан учрашдилар, ҳудуднинг тарихи ва унинг истиқболдаги ривожлантириш режалари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, ушбу провинция прокурори билан республикамиз делегациясининг учрашуви ўтказилди. Сўнгра ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар шаҳардаги жазони ижро этиш муассасасига ташриф буюриб, бу ердаги тартиб-қоидалар, жазони ўтаётганларнинг яшаш ва меҳнат фаолиятлари билан танишдилар. Делегациямиз Хитойдаги яна бир йирик провинция — Фуцзянинг маъмурий маркази Фучжоу шаҳрида ҳам бўлдилар. Уларнинг провинция прокурори ҳамда Фучжоу шаҳар халқ йиғини раиси ва бошқа расмий шахслар билан ўтказган мулоқотлари жуда самарали ўтди.

**— Ҳуқуқшуносларнинг халқаро конференцияси ҳақида ҳам гапириб беринг.**

— 12 октябрь куни Пекиндаги Умумхитой халқ йиғини вакиллари биносида Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фондининг 8-халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда дунёнинг 73 мамлакатидан ташриф буюрган Бош прокурорлар, адлия вазирлари ва суд вакилларидан иборат 600 дан ортиқ делегат иштирок этди.

Конференция олдидан ХХР Умумхитой халқ йиғини вакилларининг доимий қўмитаси Раиси Ли Пэн Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан учрашди.

Анжуман қатнашчилари 5 ишчи гуруҳига бўлинган бўлиб, шулардан иккитасида мамлакатимиз Бош прокурори раисга ҳамкорлик қилди.

Беш кун давом этган ушбу халқаро конференцияда ҳозирги кунда дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди ва муҳокама этилди.

Конференция давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Болгария Республикаси Бош прокурори Н. Филчев, Тожикистон Республикаси Бош прокурори Б. Бобохонов ҳамда адлия вазири Ш. Исломов, Россия Федерацияси Бош прокурори ўринбосари К. Чайка, Осиёда жиноятчиликка қарши кураш Фондининг доимий вакили И. Редо хоним ва бошқалар билан амалий учрашувлар ўтказди.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз ҳуқуқшунослари делегациясининг Хитой Халқ Республикасига расмий ташриф буюриши ҳамда Осиёда жиноятчиликнинг олдини олиш Фонди томонидан ўтказилган халқаро конференцияда иштирок этиши Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фаолиятида муҳим воқеа бўлди.

■ **Алим БЕК суҳбатлашди.**

*Суратда: битим имзолаш пайти.*

# 8 ОЙДА ТИРИКЛИГИНИ ИСБОТЛАДИ

Саратовлик Василий Головнев ўзининг тириклигини роппа-роса 8 ой деганда зўрға исботлади. Гап шундаки, Василий 1993 йил июнда Тамбов вилоятидаги дўстиникига боради ва дўстининг қистови билан ўша ерда «ИРА» хўжалигига электрчи бўлиб вақтинча ишга жойлашади. 1998 йил майда эса Саратовга қайтади, лекин Киев кўчасидаги ўзининг уйига — 61-хонадонга киролмайди. Сабаб: қўшнилари уни ўлганга чиқазиб қўйишган экан. Бу ҳатто расмий ҳужжатлаштирилибди ҳам.

Василий тўғри аввалги иш жойи — авиазаводга (уйни шу завод ҳисобидан олган эди) борди. У ерда унга ўлганлиги ҳақидаги маълумотномани тутқазишди ва «шу маълумотномага асосан сизни уйдан ўчирганмиз», дейишди завод маъмурияти. Ҳақиқатан ҳам 1996 йил 15 февралда тузилган далолатномада: «Мен Дронов И. Н. бу мурдани танидим. У 1938 йили Гомел вилоятининг Рогачев тумани, Заполский посёлкасида туғилган ва Саратов шаҳрида яшаган менинг қўшним Головнев Василий Титовичнинг мурдасидир», деб ёзиб қўйилибди.

Василий бундан ёқа чангаллаб, тентак бўлаёзди ва ўзини ўликлар рўйхатидан ўчириш ҳамда тириклар рўйхатига киритиш учун роппа-роса 8 ой югурди. Ўтган йилнинг 18 январидагина Заводск туман судининг судьяси Татьяна Ефимова 1996 йил февралдаги Василийнинг ўлими ҳақидаги актни бекор қилди. Ундан кейин эса Василий учун яна югур-югур бошланди. Бу гал у ўз уйини қайтариб олиш учун елди.

# МАРСДА СУВ БОР

1997 йилдан бери Марс орбитасида кузатув ишларини давом эттираётган Американинг «Марс Глобал Сёрвейер» фазовий аппаратининг яқинда Ерга юборган янгилиги дунёда ҳақиқий шовшув уйғотди. Шу йил июнь ойида мазкур аппарат Қизил сайёранинг Маринер водийсидаги 6 километр чуқурликда жойлашган Катта дарада сувдан дарак берувчи омиллар борлиги ҳақида хабар берган эди. Сўнг бу фактлар олимлар томонидан янада чуқурроқ текширилганда шу нарса аниқландики, сув тик қоядан шаршара бўлиб оқиб тушар ва дара бўйлаб оқишда давом этаркан.

Олимларнинг таъкидлашларича, сувнинг суюқ ҳолда бўлиши учун юқори даражадаги атмосфера босими талаб этилади. Демак, ўта чуқурликда жойлашган Катта дарада шундай муҳит мавжуд.

Марсдаям фасллар борлиги олимларни таажжубга солди. Қиш фаслида бу сув муэлар экан ва баҳор келиши билан эриб, яна оқишда давом этаркан.

— Бу янгилик шунчалар фавқулоддда ҳолат эдики, одам ишониши қийин. Биз олимлар ҳам фазовий аппарат узатган омилларни қайта-қайта солиштириб, текшириб, зўрға ишондик, — дейди астрофизик олим Кеннет Эжетт. — Марсда сув борлиги бу сайёрада ҳаёт ҳам бўлса керак, деган тахминни ўртага ташлайди.

Марсда тирик организм бор-йўқлигини аниқлаш америкалик олимлар дастурига кўра 2003 йилга мўлжалланган. Негаки, шу йили Қизил сайёра юзасига қўнадиган махсус аппарат учирилади.

# ТИЛИ «БОҒЛАНГАН» АЁЛ

Одамнинг бахти, қайсидир маънода, тўрт мучасининг соғлиғида бўлса керак, деб ўйлайман. Баъзан ҳамкасаба аёл боласининг гапирмаслигидан ҳасрат қилиб, куйиб-пишганини жимгина эшитиб, мужмал қилиб «яхши бўп кетар», деб қўярдим. Гарчи биламан, боласи соқов, ҳеч қачон гапирмайди. Соқов қизнинг ойдек рухсорига қараб «мўъжиза бўлиб гапирса-я», деб қўярдим ичимда. Онасига айтсам: «Э, умидимни уздим, докторлар қаттиқ бир шовқиндан очилиб кетишиям мумкин, дейишадику-я, лекин мен ишонмай қўйдим» дейди йиғидан аламини олиб.

Американинг Нью-Мексика штатида яшовчи Патрисия Уайт-Булл 16 йилдан буён соқов экан. 16 йил-а? Тасаввур этинг, баъзида бир соат мум тишлаб ўтирсангиз юрак тарс ёрилгудай зиқ бўлиб кетасиз. Патрисия бундан 16 йил олдин тўртинчи фарзандига кўзи ёриётганда оғир дардга чалинди. Ўпкасида тромб-томирда қон ивиб қолиб, нафас олиши оғирлашди. Аёл чала ўлик ҳолатига тушиб қолди. Мутахассислар унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Афсус, у забондан қолди. Боз устига, қулоғи ҳам эшитмасди. Эри эса ажрашишга қарор қилди.

Ҳаёт ўзи тилсим. Дардни берган тангри шифосиниям беради. Патрисия руҳан чўккан кезлариям бўлгандир. Уни руҳий хасталикка чалинган, деб ҳам ўйлашарди. Лекин у ҳамиша қачондир, қандайдир мўъжиза рўй беришини кутиб яшарди. Ўша кун келди, мўъжиза рўй берди.

Тонгда аёл ғалати «шовқин-сурон»дан уйғониб кетди. Назарида, қандайдир «портлаш» рўй берди, қулоқлари шанғиллади. «Осмон узилиб ерга тушяптими? Бунча шовқин?» Аёл гангиб ўрнидан апил-тапил турди-да, дераза табақасини ланг очиб, кўкка тикилди. Осмон мусаффо. У шу алпозда қанча турди, билмайди. Бир маҳал қараса, қаршисида тўртта кап-катта «бегона» одамлар турарди. Аслида улар «бегона» эмас, 26, 19, 17, 16 ёшни «уриб» қўйган болалари. Уларнинг ёнида эса ёши кексайиб қолган «нотаниш кимса» — эри бор эди. У 16 йилдан сўнг илк бор: «Болам!» деди тилга «кириб».

Аёл эшита бошласа-да, бироқ унинг онги «эскича» қолганди. Шунданам у «янги» оиласига кўникишга бироз қийналиб юрди. Эри бўлса: «Модомики, қулоғи очилибдими, демак, ақл-ҳушиям жойига қайтади, у истаса оиламга қайтаман» деган фикрда.

Руҳшунослар эса ҳозирча бирор аниқ гап айтишмаяпти. Уларнинг фикрича: «вақт кўрсатади. Патрисиянинг саломатлиги тўлиқ тузалдими-йўқми ёлғиз худога аён».

Ҳаётда умид билан яшаган яхши. Патрисия воқеаси шунчаки шов-шувми-йўқми билмадим. Бу ҳодиса одамни умидворликка, аниқроғи, эзгуликка интиқлик яхшилигини яна бир бор эслатаётгандайин туюлади. Ҳамкасабам ҳам уни ўқигач, назаримда ўчган умиди яна ёнгандайин бўлди.

■ **Саида САЙХУН**

## ХХI АСР ЁШЛАРИ

# ДАЛЛАСДА ИЛМ ОЛИБ

Мустақил мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва маънавий камол топишлари йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўғил-қизларимиз лицей, коллеж, институтларда бакалавр даражасига эришгач, магистратураларда илмларини қиёмига етказмоқдалар. Айниқса, ёшларимизнинг хорижий мамлакатларда билим олишга ташналиги диққатга сазовор. Юзлаб ёшларнинг чет элларда турли соҳалар бўйича моҳир мутахассис бўлиб етишишларига катта йўл очилган. Хусусан, термизлик Беҳзод Шарофутдиновни ҳам илмга ошуфталиги хориж сари етаклади.

У 1993 йили мактабдан турк лицейига ўтиб ўқишни давом эттирди. Ундаги қобилият лицейни аъло баҳолар билан битиришга имкон берди. Сўнг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Америкага йўл олди. «Умрида туғилган шаҳридан нарини кўрмаган бир бўз йигитда Американинг Даллас штати алланечук ҳайрат уйғотди. «Сирасини айтганда, бирданига янги шароитга кўникиш осон бўлмас экан», — дейди Беҳзод.

Ҳа, кексалар айтмоқчи мусофир бўлмагунча мусулмон бўлиш қийин. Беҳзод кундузлари ўқиш, билим олиш, тайёргарлик билан банд бўлса, оқшом қўниши билан унинг кўз ўнгида Тошкент хиёбонлари, Термизнинг ўзи катта бўлган кўчалари, дўстлари намоён бўларди. Биз ундан америкача ҳаёт, ёшларнинг ўқишга бўлган муносабати ҳақида сўраганимизда, у шундай ҳикоя қилди:

— Океан ортидаги энг ривожланган мамлакатда ҳам ёшларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ўзига хос. Илмга бўлган муносабат ўзбекистонлик тенгқурларимга қараганда бўлакчароқ, десам муболаға бўлмас. Аввало бу ерда ёшлар 16 баҳорни кўргандан кейин уларга эътибор ва қараш ҳам ўзгаради. Тўғрироғи, улар мустақилликни ҳис этишаркан. Ўқиб, келажакда маълум соҳанинг мутахассиси бўлишни истаган ҳар бир ёш ўз қобилиятига яраша илм йўлини танлаши ёки аксинча автомашиналарга қизиқиш, маълум йўллар билан бойлик тўплашга интилишар экан. Энг қизиғи ота-оналари бундай ҳаракатларга сира монелик қилишмайди. Кўпинча дўстларим қандай қилиб олис юртга ўқишга бориб қолганим билан қизиқадилар. Нима дейишим мумкин. Мана ҳозир Америкада халқаро маркетинг ва молия соҳаси бўйича билим олаётганимга 3 йил бўлиб қолди. Ўзимча мушоҳада қилиб хулосага келаманки, илмга ташна ҳар қандай йигит-қиз учун ана шундай хорижий мактаблар эшиги очиқ. Аввало бунга оилавий муҳит, қолаверса, Ватанимиздаги барқарорлик, ҳамиша яхшилик сари интилиш сабаб бўлса керак. Ниятим — ўқишларимни муваффақиятли битириб, келажаги буюк Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тинч ва фаровон турмуш тарзимизнинг янада барқарорлашувига хизмат қилиш.

■ **Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА**

*Суратда: «Сафе» халқаро ёшлар ташкилоти анъанавий равишда ўтказувчи тадбирда иштирок этган Беҳзод Шарофутдинов Ўзбекистон байроғи билан.*

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОХ...

# ДУОИБАД ҚИЛИНГАН ОРОМКУРСИ

Афсоналарга кўра, уч аср олдин ўлимга ҳукм этилган қотил Томас Басбига ҳаётининг сўнгги дамларида қаҳвахонада ўтиришга ижозат беришган экан. Тақдирга тан берган Басби ўзи ўтирган оромкурсини дуоибад қилиб, бундан буён ўтирган киши ўлимга маҳкум этилишини бот-бот таъкидлади.

Энтони Ирншоу қарриш теккан айнан шу даргоҳни 1966 йилда харид қилди ва уни «Басби Стул» деб номлади. 1967 йилда икки нафар ёш учувчи қадим афсона устидан роса кулиб, ваҳимали стулга бамайлихотир ўтирадилар. Кейин масхараомуз тарзда хонадан чиқиб кетадилар. Бир неча дақиқадан сўнг улар ўтирган машина ҳалокатга учради: автомобиль йўлдан чиқиб кетди ва дарахтга урилди. Иккала учувчи ҳам ҳалок бўлди.

Шунингдек, Буюк Британия қуролли кучлари сержанти номи чиққан стулда ўтиришга иштиёқи борлигини баён қилиб, мақсадини кўр-кўрона амалга оширади. Орадан уч кун ўтиб, бояқиш сержант ҳаётдан бевақт кўз юмади. У умри давомида бирор марта ҳам саломатлигидан нолимаганди. 1973 йили ёш қурувчи ҳам тақдирини синаб кўрмоқчи бўлди. Аммо у ҳам дуоибадга йўлиқди: 3 соат ўтар-ўтмас зинаполдан қулаб, ҳаётдан кўз юмди.

Бу ҳам майли, бир куни фаррош хола иш пайтида қоқилиб кетди ва ногаҳонда қалтис стулнинг учига ўтириб олди. Икки ҳафта ўтиб у мия раки туфайли вафот этди.

1984 йилда маҳаллий черков вакили Жозеф Мейнуонинг-Тейлор эски стулда ёвуз кучлар борлигини таъкидлаб, ундаги дуоибадни ечишга уринди. Афсуски, бу ҳеч қандай натижа бермади. Ниҳоят Ирн шоу ўлим курсисини маҳаллий музейга топширар экан, уни ҳеч ким ўтиролмайдиган жойга қўйишларини қатъий талаб қилди. Эндиликда оромкурси 1,5 метр баландликдаги деворга михлаб қўйилган. Унинг ёнида эса афсонанинг тўлиқ тасвири, қурбонлар рўйхати ва Томас Басбининг дуоибади ҳақидаги огоҳлантириш рамзи илинган.

■ **Ҳайдар ҚАЙТМАС тайёрлади.**

ОҒРИҚ?
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ
АПАЛЬГИН
(500 мг анальгин) оғриққа қарши куч
3428

ТРИМОЛ
БОШ ОҒРИҒИ, МИГРЕНЬ, НЕВРАЛГИЯ, ТИШ ОҒРИҒИ, ШАМОЛЛАШ (ЮҚОРИ ҲАРОРАТ БИЛАН)
ТРИМОЛ
ҲАР КУНИ
ДОРИХОНАЛАРДАН СЎРАНГ
Харидорлар учун баҳоси — 225 сўм.
2865

СПОРТ

## ҚОРАҚАЛПОҚ ИФТИХОРЛАРИ

*Қорақалпоғистон диёрида соғлом авлодни камол топтириш йўлида савй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу борада спортчилар қўлга киритаётган ютуқлар мухлисларни беҳад қувонтирмоқда. Яқинда Англиянинг Бедфорд шаҳрида кураш бўйича ўтказилган «Ислом Каримов» турнирида иштирок этган қорақалпоқ ўғилқизлари ажойиб ғалабалар билан қайтдилар. Муродхўжа Қазаев билан Мурод Дўсимбетов шогирдлари қизғин беллашувларда ғолиблик супасига кўтарилдилар. Баҳром Эрматов (ўнгда) иккита олтин, Шокиржон Кўчқоров бронза, Феруза Хайтимбетова олтин нишонларга сазовор бўлишди.*

## ТУБ БУРИЛИШНИ КУТИБ

Асримиз охири футболчиларимиз учун оғир келди. Ливанда давом этаётган Осиё чемпионатидаги шармандали мағлубият миллионлаб мухлисларни қаттиқ ранжитди. Фикрлар, мулоҳазалар, баҳслар авжга чиққан. Ҳар ким ўзича бундай сусткашликнинг сабабини топишга уринади. Кимдир бош мураббийга айб қўйса, бошқалар аксарият футболчиларимизнинг «отахон» бўлиб қолганидан ўксийди. Сирасини айтганда, бош мураббий Юрий Саркисян бундай мартабани кўпдан бери орзу қиларди. Ниятига ҳам етди. Хўш, нима бўлди? Илгарилари бош мураббийнинг ёрдамчиси бўлиб юрган пайтлар муаммоли савол-жавоблар юзага келганда, у: «мен иккинчиман»дан нари ўтмасди. Шуни айтадилар-да, иш бошқа, ҳавас бошқа деб. Начора, шунга ўхшаш хаёл бўлак, ҳаёт бўлакдир. Уйдаги гапнинг кўчага тўғри келмагани мамлакатимиз футболи имкониятларини юзага чиқаролмай қолишимизга сабаб бўлди, холос. Осиё чемпионатига бошқачароқ, ташкилий-тадбирий жиҳатдан пухтароқ ҳозирланиш мумкин эди. Бизда моҳир ва тажрибали футболчилар етарли. Фақат уларга қараш турлича. Ҳозир эса ожиз хассасини бир марта йўқотади деганларидек, кўзни каттароқ очиш, шармандаликни ювиш, мухлислар ишончини оқлаш учун футболимизга муносабатни ислоҳ қилиб, туб бурилиш даврини бошлашимиз заруратга айланган.

Чемпионат эса давом этмоқда. Чорак финалда Эрон—Жанубий Корея (1:1, қўшимча вақт — 0:1), Хитой—Катар (3:1), Япония—Ироқ (4:1), Қувайт—Саудия Арабистони (2:3) жамоалари учрашдилар. Шундай қилиб ярим финалда Жанубий Корея—Саудия Арабистони, Хитой—Япония жамоалари майдонга тушадиган бўлди.

## ИЗЛАНИШ—БАХТ ДЕМАК

***Сен ўксима, азиз инсон,***
***Вафо қилмаса бахт.***
***Дунёда ҳеч нарсанг бўлмаганда ҳам,***
***Изланиш бахтинг нақд.***

**Йиллар ўтаверади. Инсоннинг азиз умри ҳаёт долғаларида олдинга интилаверади. Шундай ҳаёт синовларида сиз отангиз айтган бир ҳикматни умр йўлингизга асос қилиб олдингиз.**

**Бир донишманд ариқ ёқасида ўтириб, ҳордиқ чиқараётган экан. Шу пайт кўзи дарахтга чирмашиб чиқаётган бир чумолига тушибди. У дарахтнинг ўртасига келганда бир нарсага урилиб, ерга қулаб тушибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Бироқ чумоли қийинчиликларни енгиб, охири дарахт тепасига чиқиб олибди. Инсон бир мақсад йўлида интилса, ҳаракат қилса, йўлда учраган қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтса, албатта, муроди ҳосил бўлади. Умр йўлингга чумолининг хатти-ҳаракати ибрат бўлсин.**

**Бу сўзларни базўр гапираётган отанинг умр шами ўчиб бораётган эди. Оталик ҳисси билан у фарзанди бошига тушиши мумкин бўлган кўргуликларни наҳот сезди? Лекин у ўзини барча ҳаётнинг зарбаларидан ҳимоя этиб, фақат олга юрди. Чумолининг «ҳаёт фалсафаси»ни ўз умр йўлларига асос қилиб олди. Лекин умр деганлари заҳмат, саботт, ишонч, садоқат эканлигини англаб етган эди.**

**Мамлакатимизда Севали ота, Қулоқ ота деган табаррук, азиз жойлар борлигини кўпчилигимиз ҳатто билмаймиз ҳам. Қаҳрамонимиз Жуманиёз Алибек ўғли ўз шахсий жамғармасидан мана шу азиз жойларни қадимий ҳолатига қайтариш учун саъй-ҳаракат қилди.**

**— Гумбазнинг баландлигини 12 метр, яшилга моманд қилдираман. Бир қарасанг, денгиз тўлқинларини эслатса, бир қарасанг Самарқанднинг қишки осмони кўринишини эслатадиган бўлади.**

**Улуғларнинг руҳи мададкор бўлиб шаҳардаги икки қадимий зиёратгоҳ обод бўлди. Унинг нилий гумбазлари кўк ичида кўрк бўлиб, ташриф буюрганларни эзгу ишларга чорлаётгандек туюлади.**

**Бундан ташқари, яна битта ўй менга тинчлик бермади. Сиз нафақат улуғ қадамжоларни, балки оддий инсонлар қалбини кашф этдингиз. Даргоҳингизга келган одам борки сизни алқайди.**

**Ҳа, Жуманиёз Алибек ўғли ҳақидаги мўъжазгина китобчани мутолаа қилиб, кўнглимдан шундай ўйлар ўтди.**

**Инсон умри нақадар сирли. Ҳаёт йўли нақадар машаққатли. Унинг ҳар бир сўқмоғи бизга жуда кўп ҳақиқатларни англатишга қодир. Тажрибали раҳбар, зукко Жуманиёз Алибек ўғли китоб муаллифи таъкидлаганидек, чин маънодаги фидойи инсондир.**

■ **Баҳтиёр ҲАМИДОВ**

## ТОКИОДАГИ «ТОШКЕНТ»



Токиодаги ресторанлардан бири ана шундай номланади. Бу эса Япония жамоатчилигининг халқимизнинг бой маданияти, анъаналари ва урф-одатларига нисбатан ўсиб бораётган қизиқишидан яна бир далолатдир.

«Тошкент» ресторани Гунма даҳасининг маркази Маебашини Токио билан боғловчи марказий автотрасса яқинида жойлашган. Ушбу ресторан соҳиби Такао Сато. У нафақат ресторан директори, балки Гунма даҳасидаги етакчи сиёсатдонлардан бири ҳисобланади. Бу йил у Оота шаҳри Ассамблеясининг раиси вазифасига сайланди.

— Мен болалигимдан Буюк ипак йўли мамлакатларида бўлишни орзу қилар эдим, — дейди Т. Сато. — Балки, сизнинг мамлакатингизга бориш насиб қилар. Ҳозирча мен «Тошкент» номли ресторан очдим. Нима учун айнан Тошкент? Биринчидан, у Буюк ипак йўли мамлакатларидаги машҳур шаҳарлардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, шаҳар номланишининг иероглифда ёзилишига эътибор берсангиз, «канджи»ни иккита сўз сифатида таржима қилиш мумкин. Сўзнинг биринчи қисми «Таши» бу «минг достон», иккинчи қисми эса «кенто» — «донишманд шаҳар» маънolarini беради. Натижада чуқур фалсафий маънодаги сўз бирикмаси ҳосил бўлади: «минг достоннинг донишманд шаҳри».

Ресторан хўрандаларни нафақат таомларнинг турли-туманлиги билан жалб қилади, балки бу ерда Ўзбекистонга бағишланган ажойиб безакли бурчак мавжуд бўлиб, унда мамлакатимиз байроғи савлат тўкиб турибди. Шунингдек, серқуёш диёримиз винолари ҳамда қуритилган меваларидан иборат мўъжазгина кўргазма ҳам бор.

Такао Сатонинг режалари мўл. Яқин келажакда у Японияннинг турли шаҳарларида ва даҳаларида ана шундай ресторанлар тизимини ишга туширмоқчи. Мазкур ресторанларнинг Самарқанд, Бухоро, Карвон каби номлар билан очилишини орзу қилади.

■ **«ЖАҲОН» АА**

## ФАЛАЖЛИКНИ ДАВОЛАШ МУМКИН

Замонавий тиббиёт XXI асрга муносиб янгиликлар билан кирадиганга ўхшайди. Медицинада яратилаётган имкониятларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Англия, АҚШ, Швейцария олимлари томонидан уч гуруҳга бўлиниб ўрганилаётган илмий кузатувлардан хайрли натижалар кутилмоқда. Ўрганилган мавзу бир неча йилдирки натижасиз қолиб келаётганди: нега бош ва орқа миянинг жароҳатланган асаб ҳужайралари тузалмайди? Кузатувлар натижасида асаб ҳужайраларининг ўсишини бўғадиган оқсил ишлаб чиқарувчи ген аниқланди.

«Ноугоу» ёки «тақиқловчи» номини олган бу геннинг иш фаолияти таъминланадиган бўлса, шикастланган асаб ҳужайралари тикланишни бошлар экан.

Бу илмий кашфиётнинг ҳаётдаги ўрни ҳақиқатан беқиёс. Чунки айнан шу кашфиёт туфайли орқа мия ёки умуртқа поғоналари асаб ҳужайраларининг шикастланиши оқибатида бир умр тўшакка ётиб қолган (фалажлик) беморлар дардига даво топиш мумкин бўлади. Ҳозир бу йўналишда изланиш давом этмоқда. Олинган натижалар фалажлар дардига шифо топиш мумкин деган ишонч беради. Американинг ўзида йилига 11 мингга яқин киши айнан шу дардга йўлиқар экан. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра ҳужайраларнинг зарарланиши оқибатида ногирон бўлиб қолганлар 250 минг кишини ташкил этади. Станфорд университети профессори Бен Баррестнинг айтишича: «асосийси, ҳозир одамларда мувоққат ишонч уйғотмаслик, аммо ижобий натижалар учун ҳам асослар етарли».

Мазкур генни аниқлаш Америка, Англия ва Швейцариянинг илмий марказларида олиб борилган. Ҳатто, швейцариялик олимлар бу соҳада бироз илдамроқ кетишган дейиш ҳам мумкин. Улар лаборатория шароитида каламушлар устидан тажриба ўтказишга муваффақ бўлишди. Сунъий тарзда асаб ҳужайралари шикастлантирилган каламушларда икки ҳафталик муолажадан сўнг умуртқа поғонадаги асаб ҳужайралари қайта тирила бошлагани кузатилган.

Олимлар бундай тажрибани одамлар устида ўтказишга ҳали вақт бор, дейишмоқда.

■ **Абдумалик БОБОЕВ тайёрлади.**

## ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига қарашли Қибрай туманидаги «Бўстон» санаторийси жамоаси дам олувчиларнинг саломатлигини тиклаш борасида намунали фаолият юритмоқда. Барча даволаш бўлимлари ва лабораториялар тўла таъмирланиб, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Хўжалик, даволаш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланди. Намунали хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида жамоага олий тоифали ва тажрибали шифокорлар таклиф этилди. Тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ўқув машғулотлари воситасида уларнинг билим даражалари изчил оширилиб борилмоқда.

Санаторий эшигидан кириб борар экансиз, гўзал манзарани кўриб баҳри дилингиз очилади. Жамоа ташаббуси билан бир вақтлар қовжираб ётган майдон ўрнида гулларга бурканган бўстон яратилиб, турли мевали, манзарали кўчатлар ўтқазилди. Шуни қайд этиш керакки, санаторийда даволанувчиларнинг кўнгилдагидек дам олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Даволанувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида тинмай изланмоқдамиз, — дейди санаторий бош шифокори Ирода Набиева. — Санаторийда турли маданий тадбирлар, жумладан, республикамизнинг таниқли шоир ва санъаткорлари билан учрашувлар, маънавият ва маърифат кечалари ҳамда шахмат-шашка, бильярд каби спорт мусобақалари ўтказилиб турилади. Халқ саломатлигини яхшилаш йўлида доимо камарбастамиз.

■ **Рўзимат ДАМИНОВ**

ЧЎПЧАК

## ИРИМЛИ ЧОЙ

*Чойни фақат унинг қизиллигию хушбўй таъмини ҳўплаяпман десангиз, хато қиласиз. Чойга қўшиб иримларни ҳам ҳўплаётган бўласиз. Масалан, чой ичаётганингизда шама орасидан чойчўп чиқса, демак, уйингизга меҳмон келади. Пиёлангиз ўртасида кўпик туриб қолса — бу бойлик. Уни дарров шукрона айтиб пешонангизга суришингиз керак. Агар кўпик пиёла четида бўлса, асло сурта кўрманг — бойлик сиздан кетиб қолиши мумкин. Чойингиз тугамай устига чой қуйилса — икки бор турмуш қурасиз. Чойнак охиридаги чойни ичганларга мазза — ёри чип-чиройли бўлади.*

*Бу иримларнинг нечоғлик ҳаётий асоси бор билмадим-у, чойга муҳаббатдан, чойпарастликдан иримлар келиб чиққанига асос бор.*

■ **Саида ЭШМЎМИНОВА**

—Дада, қаранг, ана энди отаўғил бўлди-ёв!

### КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

***Шаҳарлик бир йигит кичикроқ қишлоқда автобусга чиқиб сўрапти:***

***— Шалағи чиққан бу эски аравада чиптанинг нархи неча пул?***

***— Одатда бир қоп похол учун 50 сўмдан оламиз, — дебди ҳайдовчи.***

***

***Банкни ўғри ургандан сўнг, директор газета мухбирига интервью бермоқда:***

***— Ўғри банкдан 200000 марка ўмарган, сиз эса газетада 500000 марка ўғирланди деб ёзинг. Ўғри хотинидан кўрадиганини кўради.***

**Ўт, сафро (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори**

**АСПАЛЬГИН**

**Бу дори кучли оғриқни босади**

**ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ**

3427

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220** Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

Обуна сони

**2001** йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

| | |
|---|---|
| п.в | Жойи |

**220** Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

**2001** йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

## «И» ЎЙЛАНМАСИ

**Ёйлар бўйича:** 1. Барги таомга ишлатиладиган кўклам гиёҳи. 2. Ижодий ғайрат ва завқ жўш урган ҳолат. 3. Бирор нарсани осиб қўйиш мосламаси. 4. Турли соҳаларда амалга ошириладиган ўзгариш. 5. Ўзбек театр саҳнасида ҳажвий қаҳрамонларни гавдалантиришни бошлаб берган санъаткорлардан бири. 6. Хитой ҳудудидан бошланиб Зайсан кўлига қуйилувчи дарё. 7. Дарёга айланувчи сув йўли. 8. Пойга автомобили русуми. 9. Эскирган тузумни ағдариб ўрнига илғор тузум бунёд бўлиши билан юзага келувчи жамият ҳаётидаги туб ўзгариш. 10. Европанинг жануби-ғарбидаги давлатда яшовчи, шунингдек, Жанубий ва Марказий Америка халқлари тили. 11. Ўтовнинг юқори туйнугини беркитиб турувчи қисми. 12. Шу аср бошларида ташкил топган миллий ҳаракатга мансуб ташкилот. 13. Манзарали, доривор ва бўёқ олинадиган турлари бўлган айиқ товондошларга мансуб кўп йиллик ўт туркуми. 14. Бирор нарсага бўлган интилиш, хоҳиш. 15. Фикр, даъво, фаразнинг тўтрилигини тасдиқловчи далил. 16. Кишига қилинган диққат-эътибор, ҳиммат. 17. Ошланадиган парранда. 18. Ўсимлик аъзоси. 19. Рус шахмат гроссмейстери. 20. Бирор нарсага меҳр, ҳавас қўйган киши. 21. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 22. Наслдан наслга ўтувчи белги. 23. Қозоғистондаги дарё, Тўғай ирмоғи. 24. Ошқозон ости безида ҳосил бўладиган оқсил табиатли модда. 25. Муайян ташкилот талабларига жавоб берувчи хатти-ҳаракатлар мажмуи. 26. Эркин Воҳидов қасидаси. 27. Асосан шимолий Кавказ ҳудудида яшовчи миллат. 28. Ўзбек давлат ва сиёсат арбоби, қатағон қурбони. 29. Атоқли тожик ёзувчиси. 30. «Чархпалак» телесериали қаҳрамони. 31. Мусулмон олами эътиқод қилувчи дин. 32. Эрондаги шаҳар, маъмурий марказ.

***Муаммоно:*** *шаклнинг атрофи ва марказидаги рақамларда бу йил таваллудига 130 йил тўлган ўзбек шоирининг икки мисра ҳикмати яширинган. Унн қуйидаги сўзларни топиб, сўнг рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб билиб олинг.*

1. *Пойтахти — Рим — 1,3,2,5,1,13.*
2. *Ўзбек тилшуноси, тарихчи, маърифатпарвари — 1,8,7,2,3.*
3. *Туркиядаги порт шаҳар — 1,4,9,1,7.*
4. *Фан-техника соҳасида кашф этилган янгилик — 1,11,3,1,7,6.*
5. *Кимёвий модда, кумушсимон оқ металл — 1,10,14,1,16.*
6. *Ғафур Ғулом қиссаси — «12,15,9 бола».*

■ **Фозилжон ОРИПОВ тузди**



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси халқ таълими вазири Р. Ҳ. Жўраевга акаси

**Болибек ҲАЙДАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси «Тошкент-вилоятсавдо» акциядорлик компанияси раиси ўринбосари

**Валентина Дмитриевна ШЕМОНЯЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**БОШ МУҲАРРИР**

**Азим СУЮН**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**

*Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи Акбар ЖОНУЗОҚОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.

*Ҳажми 2 босма табоқ.*

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди --* 22.40

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА